



Муаллиф Мухаммад бин Солех ал-Усаймин

Муқаддима

Барча хамду санолар Аллохнингдур, унга хамд айтамиз, ва ундан мадад сўраймиз хамда гунохларимизни кечишини сўраймиз, нафсимизнинг шумлигидан ва амалларимизнинг ёмонлигидан Аллохдан паноҳ сўраймиз. Аллоҳ хидоятлаган кишини адаштирувчи йўқ, Аллоҳ адаштирган кишини хидоятловчи йўқ. Шериксиз ёлгиз Аллохдан ўзга хакли маъбуд йўқ эканига гувохлик бераман ва Мухаммад унинг бандаси ва элчиси деб гувохлик бераман.

Сўнгра... Бу Расулуллоҳ саллаллоҳу алайхи ва салламнинг намозини сифати.

Биринчи: Намоз ўкиш учун турганингда бундай эътиқодда бўлгин; Гўёки сен Аллоҳ азза ва жалланинг каршисида турибсан, ул Зотдан хеч нарсани яшириб бўлмайди, У кўнгилда кечаётган нарсани хам билади. Сен мана шу шуъур билан жисминг намоз билан машгул бўлгани каби, калбингни хам намоз билан машгул кил. Баданинг Аллоҳ таъоло буюрган киблага юзлангани каби калбинг хам Аллоҳга юзлансин. Баданинг Аллоҳ буюрган томонга юзланса-ю калбинг гафлатда бўлса бу жуда катта камчиликдир. Баъзи уламолар: агар васвасалар -хаёлнинг кочиши ёки калбнинг гафлатда бўлиши-намознинг кўпроқ кисмида бўлса намоз ботил бўлади -дейдилар. Албатта бундан эхтиёт бўлиш керак.

Намоз ўкишга юзланган вактингда Аллоҳга юзланиб турибман деб тасаввур кил.



Намоз ўкишга турган пайтингда Аллохга муножот килмокдаман деган эътиқодда бўл. Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: «Сизлардан бирингиз намоз ўқимок учун турса, у роббисига муножот килади». Бухорий ривояти.

Намозга турган вактингда Аллоҳ таъоло каршимда турибди деб тасаввур кил, бирок у сен турган ерда эмас, балки, аршнинг устида бўлгани холида сенинг каршингдадир. Бу Аллоҳ учун оғир эмас. Аллоҳ таъоло барча сифатларида мислсиз якка-ягонадир. У аршнинг устида, намоз ўкиш учун турган пайтда намоз ўкувчининг каршисидадир. Шундагина калбинг Аллоҳнинг таъзими, муҳаббати ва унга якинлик билан тўлган холда намозга кирасан.

«Аллоҳу акбар» деб такбир айтасан. Такбир айтаётган холда кўлингни елканг ёки икки кулогинг юмшоги каршисигача кўтарасан.

Куйидаги хадисга биноан ўнг кўлингни чап билагинг устига кўясан. Сахихул-бухорийда ворид бўлган хадисда Саҳл ибн Саъд деди: «**Одамлар намозда, киши ўнг кўлини чап билагининг устига кўйишга буюрилар эдилар**» Бухорий ривояти.

Кейин бошингни куи киласан, юкорига кўтармайсан. Чунки, Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам «**Намозда кўзини осмонга каратишдан кайтардилар**» Бухорий ривояти.

Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг бу борадаги сўзи жуда каттиқ бўлган, хатто шундай деганлар: «**Намозда кўзларини осмонга карктаётган кишилар бундан тийиладилар ёки кўзлари уларга кайтмай колади**» Бухорий ва Муслим ривояти.



Шунинг учун хам ахли илмларнинг баъзиси намоз ўкувчининг кўзини осмонга каратиши харом эканлигини айтганлар, бу жуда ўринли сўз. Чунки, унинг хаккida ваъид (яъни ёмон окибат ва жазо) ворид бўлган хар-бир нарса харомдир.

Демак уламолар айтганидек кўзингни пастга каратиб, бошингни куйи киласан, иягинг кўкрагингга тегиб колмасин. Кейин кириш дуосини ўкийсан;

Аллохумма аль-Илаху ла ilah illa Antu, Antu Antu Antu
Аллохумма аль-Илаху ла ilah illa Antu, Antu Antu Antu
Аллохумма аль-Илаху ла ilah illa Antu, Antu Antu Antu
Аллохумма аль-Илаху ла ilah illa Antu, Antu Antu Antu
Аллохумма аль-Илаху ла ilah illa Antu, Antu Antu Antu

«Аллохумма боъид байний ва байна хотаяя камаа боъадта байнал-машрики вал-магриби, Аллохумма наккиний мин хотаяя камаа юнаккос-савбул абязу минад-данас, Аллохумма игсильний мин хотаяя бил-мои вас-салжи вал-барад» Бухорий ва Муслим ривояти. Маъноси: «Эй Аллоҳ мен билан хатоларим ўртасини магриб ва машрик ўртасини узоклаштирганинг каби узоклаштири. Эй Аллоҳ ок кийим кирдан тоза бўлгани каби мени хатолардан тоза эт. Эй Аллоҳ мени хатоларимдан сув, кор ва дўл билан ювгин. Абу Хурайра пайгамбар саллаллоҳу алайхи ва салламдан : Эй Расулуллоҳ такбир билан кироат ўртасидаги сукутингизда нима дейсиз ? - деб сўраганида ул зот юкоридаги дуони зикр килганлар. Юкорида зикр килинган дуонинг ўрнига бу дуони ўқиса хам бўлади:

Аллохумма аль-Илаху ла ilah illa Antu, Antu Antu Antu
Аллохумма аль-Илаху ла ilah illa Antu, Antu Antu Antu



«Субханакаллоумма ва бихамдика, ва табаро касмука, ва таъала жаддука ва ла илаха гойрука» Абу Довуд ривояти. Маъноси: «Эй Аллоҳ мен сени (барча камчиликлардан) поклайман, сенга хамдинг билан тасбех айтаман, сенинг исминг муборак, улуғлигинг олий бўлди ва сендан ўзга хакли маъбуд йўк».

Тунги намоз (тажажжуд)да Расулуллоҳ саллаллоҳу алайхи ва саллам ўқиган ушбу дуони ўкийди:

اللَّهُمَّ إِنِّي أَسْأَلُكُمْ مَا تَرَكْتُ لِلْمُرْسَلِينَ
وَمَا تَرَكْتُ لِلْمُرْسَلِينَ
>

«Аллоҳумма робба Жибройила ва робба Мийкоийла ва ИсроФийла, фотирос-самаваати вал-арзи, оолимал-гайби ваш-шахадати анта тахкуму байна ибодика фимаа коону фийхи яхталифуун, ихдиний лимахтулифа фийхи минал-хакки би-изника иннака тахдий ман ташаау илиа сиротим-мустакийм» Муслим ривояти. Маъноси: «Эй Аллоҳ, Жаброилнинг роббиси, Мийкоил ва ИсроФилнинг роббиси, эй ер ва осмонларни яратувчиси, эй гайбни ва ошкор (зохир)ни билгувчи, сен бандаларинг ўртасида улар ихтлоф килган нарсаларида хукм киласан, мени ихтилоф килинган (нарсанинг) хак (бўлган томони)га ўз изнинг билан хидоятла. Сен хохлаган кишингни тўгри йўлга бошлайсан.

Ушбу дуоларнинг барчасини жам килиб ўқимайди. Балки, goҳо унисини ва goҳо эса бошкасини ўқийди. Агар шундай килса суннатни барча кўринишда адо этган бўлади.



Кейин «Аъзу биллахи минаш-шайтонир рожийм, бисмиллахир рохманир рохиим» дейди ва фотиха сурасини ўқийди. Фотиха сураси етти оятдан иборат, аввали (**Аллох таъоло деди**) ва охири (**Аллох таъоло деди**), бунинг далили; Абу Хурайра пайгамбар саллаллоҳу алайхи ва салламдан ривоят килган хадис кудусийда Расулуллоҳ саллаллоҳу алайхи ва саллам дедилар: **«Аллох таъоло деди: «Намозни ўзим билан бандам ўртасида икки кисмга бўлдим, бир кисми менга ва бир кисми бандамга, бандамга сўраган нарсаси. Банда (Аллох таъоло деди) деса: Аллох таъоло бандам менга хамд айтди дейди. Банда (Аллох таъоло деди) деса: Аллох таъоло бандам менга сано айтди дейди. Банда (Аллох таъоло деди) деса: Аллох таъоло бандам мени улуглади дейди. (Аллох таъоло деди) деса: Аллох таъоло деди: бу мен билан бандам ўртамиизда, бандам учун сўрагани. (Аллох таъоло деди) деса бу бандам учун бандамга сўрагани- дейди.** Муслим ривояти. Мазкур хадис билан фотиханинг аввалги ояти (**Аллох таъоло деди**) эканлиги ойдинлашди.

Басмала (Бисмиллахир рохманир рохим) куръон оятларидан, лекин у хар бир суранинг аввалги ояти эмас. Балки, у бароат сурасидан бошка хар бир суранинг аввалида келтириладиган мустакил оятдир. Бароат сурасида басмала йўқ, унинг ўрнига айтиладиган бадал хам йўқ. Аммо куръоннинг баъзи нусхаларида бароат сурасининг бошланишида куръоннинг хомишига кўйиладиган «Аъзу биллахи минан-нор ва мин кайдил-фужжор ва мин газабил-жаббор, ал-иззату лиллахи ва лиросулихи ва ллумумининйн» хатодир. Бу дуода басмала хам йўқ басмалага далолат киладиган маъно хам йўқ.

Фотихани ўкиб бўлганида омин дейди, маъноси: Эй Аллох кабул эт, у



кабул эт маъносидаги амр феълининг исмидир.

Кейин куйидаги тартибга биноан бир сурани ўкиши керак;

-Шом намозида муфассалнинг киска сураларидан.

-Бамдод намозида муфассалнинг узун сураларидан.

-Бошка намозларда муфассалнинг ўрта сураларидан.

Муфассалнинг аввали Коф сураси ва охири ан-Нос сурасидир, муфассалдеб исмланишининг сабаби, бу сураларда тинишларининг кўплигидир.

Муфассалнинг узунлари «Коф» дан «Амма»гача, ўрталари «Амма»дан «аз-Зухо»гача. Кискалари «аз-Зухо»дан «ан-Нос»гача. Гохида шом намозида муфассалнинг узунларидан ўкиш суннатdir, Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламдан собит бўлишича, ул зот шом намозида «ат-Тур» ва «ал-Мурсалот» ни ўқиганлар Бухорий ва Муслим ривояти.

Фотиха билан бир сурани ўқиганидан кейин руку килиш учун такбир айтган холда икки кўлини (елкаси ёки кулок юмшоклари баробарига) кўтаради, кейин икки кўлини икки тиззаси устига бармокларининг ораларини очик холда кўяди, билакларини ёнбошидан узокрок тутади, белини боши (энсаси) билан тенглаштиради. Ойиша -розияллоҳу анходеди: « пайгамбар саллаллоҳу алайҳи ва саллам руку килса бошини кўтармас эди, тўғри хам килмас эди. Балки, шу иккисиниг ўртасида тутар эди» имом Ахмад, Муслим ва Абу Довуд ривоятлари.

Рукуда турганда ушбу тасбех ва дуоларни айтади: Уч марта «**Саллаллоҳу**



«Субхана роббиял Азим» Ахмад ва Абу Довуд ривояти. Маъноси: улуг роббимни (барча камчиликлардан) поклайман. «Субхана Аллохумма ва бихамдика аллохуммагфирлий» Бухорий ривояти. маъноси: Эй Аллоҳ, эй роббим сени (барча камчиликлардан) поклайман, (ошкор ва маҳфий неъматларингга) хамд айтаман, эй Аллоҳ гунохларимни кеч.

«Субхана Аллохумма ва бихамдика аллохуммагфирлий» «суббухун, куддусун, роббул-малааикати вар-рух» Ахмад, Муслим Насойӣ ва Абу Довуд ривояти. Маъноси: (менинг роббим) улуг, мукаддас, фаришталарнинг ва Рух(Жаброил)нинг роббисидир. Рукуъда турганда Аллоҳни кўпроқ улуглайди (яъни юкоридаги тасбехлар билан).

Кейин «Самиъаллоҳу лиман хамидах» маъноси: Аллоҳ хамд айтган кишидан хамдини кабул килди,- деб икки кўлини елкаси ёки кулок юмшоклари рўбарўсига кўтарган холда бошини рукуъдан кўтаради. Мана шу туришда Сахл ибн Сайднинг сўзига кўра ўнг кўлини чап кўлининг устига кўяди. Сахл деди: **«одамлар намозда киши ўнг кўлини чап билагининг устига кўйишга буюрилар эдилар»** Ахмад ва Бухорий ривояти. Бу хадисдаги «намозда» сўзи умумийдир, бундан саждалар руку ва каъда мустаснодир. Чунки, саждада кўл ерга кўйилади. Каъдада сон устига кўйилади. Рукуъда эса тизза устига кўйилади. Рукуъдан аввалги ва рукуъдан кейинги киём «намозда» сўзининг умумий маъносига дохиллигича колади.

Рукуъдан кўтарилигач «Роббана лакал-хамд» дейди, Бухорий ва Муслим ривояти. Маъноси: Эй роббимиз барча хамдлар сенингдир.



Ёки «Ҳамд ҳамд ҳамд ҳамд» «роббана валкал-хамд» дейди,
Бухорий ва Муслим ривояти.

Ёки «Ҳамд ҳамд ҳамд ҳамд ҳамд» «аллохумма роббана лакал-
хамд» дейди, Бухорий ва Муслим ривояти. Маъноси: Эй Аллоҳ
роббимиз барча хамдлар сен учундир.

Ёки «Ҳамд ҳамд ҳамд ҳамд ҳамд» «аллохумма роббана
валакал-хамд» дейди, Муслим ривояти. Ушбу тўрт сифатнинг
барчасини бир вактда айтмайди. Балки, гохида бирини ва гохида эса
бошкасини айтади. Мана шу коидани толиб илм фахмлаши лозим:
Агар ибодатлар турли кўринишларда бўлса, гохида у, гохида эса бу
кўринишида килинади. Бунинг уч фойдаси бор;

Биринчи: Суннатни барча кўринишларида адо этиш.

Иккинчи: Суннатни саклаш, агар сен икки сифатнинг бирига бепарво
бўлсанг ёддан чикади.

Учинчи: Киши бу суннатни одат йўсинида килмаслиги керак, чунки,
одамларнинг кўпчилиги бир суннатни ушлайдиган бўлсалар уни одат
килиб оладилар, натижада адо этаётган холларида бу амалнинг
суннатлигини хаёлларига келтирмайдилар. Аммо у гохида уни, гохида
эса буни айтишга одатланган бўлса, суннатга доимо огох бўлади.

Агар намоз ўкувчи маъмум (муктадий) бўлса «самиъаллоҳу лиман
хамида»ни айтмайди, Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам
дедилар: **«Агар имом самиъаллоҳу лиман хамида деса,**
«Аллохумма роббана валакал-хамд» денглар Муслим ривояти.
Буни рукуъдан кўтарилаётганда айтади. «аллохумма роббана валакал-



хамд»ни юкорида зикр килинган тўрт сифатининг бирида айтганидан сўнг:

«Милъас-самааваати ва милъал-арзи ва милъа маа байнахумаа, ва
милъа маа шэъта мин шайъин баъдаху, ахлус-санааи вал-мажди,
ахакку маа колал-абду, ва куллунаа лака абду, лаа мониъа лима
аътайта, валаа мұғтия лимаа манаъта, вала янфаъу зал-жадди минкал-
жадду» дейди, Муслим ва Насоий ривояти. Маъноси: Осмонлар тўла,
Ер тўла, иккисининг ўртаси тўла ва булардан кейинги сен хохлаган
нарсалар тўла хамд сен учундир. Эй роббимиз сен мактов ва
улугворликка лойиксан, бу (сўзлар) банда айтган мактовларнинг
хаклирогидир, барчамиз сенга бандамиз. Сен берган нарсани
кайтарувчи йўқ, Сен кайтарган нарсани бергувчи йўқ. Сенинг
олдингда салтанат ва улуглик сохибига улуглиги фойда бермайди.
Кейин кўлларини кўтармасдан сажда учун такбир айтади. Ибн Умар
деди: «буни саждада килмас эди» (яъни Расулуллоҳ саллаллоҳу алайхи
ва саллам саждага такбир айтганда кўлларини кўтармас эди.)

Саждага бораётганда аввал кўлларини эмас балки тиззалирини кўяди.
Расулуллоҳ саллаллоҳу алайхи ва саллам дедилар: «**сизлардан**
бирингиз сажда килса туя чўкканидек чўкмасин» Бухорий
ривояти. Туя чўкаётганида аввал кўл (олдинги оёқ) ларидан
бошлагани сабабли юзи билан чўкади. Пайгамбар саллаллоҳу алайхи
ва саллам киши саждага бораётганда кўлларини аввал кўйишдан



кайтарди. Чунки, у шундай килса тужа чўккани каби сажда килган бўлади. Хадиснинг далолати мана шудир, бу куйидаги сўзни айтганларга хилофдир: бу хадис аввал кўлларингни тақдим килиб тиззаларингга йикилмаслигингга далолат килмайди. Чунки, тужа чўкаётганида аввал тиззасига йикилади, Расулуллоҳ саллаллоҳу алайхи ва саллам эса тужа чўкаётган аъзолар билан чўкмасин демадилар... Агар шундай десалар эди, биз хам балли, тиззанг билан йикилма, чунки тужа тиззаларига йикилади дер эдик. Лекин Расулуллоҳ саллаллоҳу алайхи ва саллам **«тужа чўккани каби чўкмасин»** дедилар. Демак, кайтариш киши саждага йикилаётганда аввал кўядиган «аъзо» хакида эмас, балки, «сифат» хакида экан. Хадисда ворид бўлган буйрук мулохаза килган киши учун жуда хам ойдиндир. Ўзимизни кийнаб, кўп бош котириб туюнинг тиззаси кўли (олдинги оёги) да, у тиззалари билан йикилади дейишимизга хожат йўқ. Биз бу каби тортишувдан бехожатмиз. Кайтариш сажда килаётганда унга йикиладиган аъзо хакида эмас, балки сифат хакида эканлиги равшандир. Шунинг учун хам Ибн Каййим -роҳимахуллоҳ -«Зодул-маъод» номли китобида шундай дейди: «хадиснинг охиридаги **«икки кўлини икки тиззасидан аввал кўйсин»** дегани хадисни ривоят килувчига алманиб колган. Чунки бу хадиснинг аввалига тўғри келмайди. Демак биз мисолни эмас аслни оламиз, **«икки кўлини икки тиззасидан аввал кўйсин»** дегани мисол тарикасида айтилган. Агар биз буни хадиснинг аслига кайтартмокчи бўлсак , хадиснинг тўгриси **«икки тиззасини икки кўлидан аввал кўйсин»** бўлади. Демак саждага бораётганда аввал тиззасини, кейин кўлини, кейин кўлини, кейин пешонасини ва бурнини кўяди.

Расулуллоҳ саллаллоҳу алайхи ва салламнинг сўзларига биноан етти аъзо билан сажда килинади. **«етти суяқ устига сажда килишга буюрилдик»** сўнгра Расулуллоҳ саллаллоҳу алайхи ва саллам буларни



батафсил баён килдилар; «пешонага, икки кафтга, икки тиззага ва икки оёк учларига» Бухорий ва Муслим ривояти. Намоз ўкувчи мана шу аъзоларига сажда килади. Икки тирсагини ерга хам, икки тиззасига хам кўймайди хамда икки ёнбошидан узоклаштиради. Корнини сонларига теккизмасдан белини кўтариб туради.

Баъзи одамлар килганидек белини чўзмайди, у белини шу даражада чўзадики караб туриб: бу сажда килаяпдими, ёки узула тушиб ётибдими? – дейсан. Саждада белни чўзилмайди. Балки, белни корин билан сон ўртаси узоклашадиган микдорда кўтаради. Шунинг учун хам Расулуллоҳ саллаллоҳу алайхи ва саллам «саждада мўътадил бўлинглар» дедилар. Мана бу чўзилишни саждада килаётган баъзи кишилар уни суннат деб ўйлашади, хакикатда эса у суннатга хилофдир. Унда инсон учун огир машаккат бордир; чунки у чўзиладиган бўлса гавданинг огирилиги пешонага тушади, бўйни эгилади ва бу хол унга огир келади. Хар холда бу суннат бўлса инсон уни тахаммул килган бўлар эди лекин у суннат эмас.

Саждада турганда куйидаги тасбехларини айтади: уч марта «**سَبَّحَ اللَّهُ الْمُكَبِّرُ**» «субхана роббиял-аълаа» дейди. Имом Ахмад, Абу Довуд ва Ибн Можжа ривояти. Маъноси «Олий роббимни поклайман»

«Субханака аллохумма роббана ва бихамдика, аллохум-магфири»

«Ошкор өмнөхөдөй өмнөхөдөй өмнөхөдөй өмнөхөдөй өмнөхөдөй» имом Бухорий ва Муслим ривояти. Маъноси эй Аллох, эй Роббим сени (барча камчиликларидан) поклайман ва (ошкор ва махфий неъматларингга) хамд айтаман, эй Аллох гунохларимни кеч.

«суббухун күддусун» «██████████ ██████████» Муслім ривояти.



Саждада дуони кўпайтиради. Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: «Огох бўлинглар мен рукуъ ва сажда килган холда куръон ўкишдан кайтарилидим, рукуъда Аллоҳни улугланглар, саждада эса дуони кўпайтиинглар бу холдаги дуоларингиз ижобат бўлишга лойикдир. Муслим ривояти. Чунки бу банданинг роббисига энг якин бўлган холатидир. Пайгамбар саллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: «банданинг роббисига якинрок бўлиши сажда холидадир» Бухорий ривояти. Лекин шуни мулоҳаза килгинки; агар сен имом билан бўлсанг имомга мутобаъат килишинг ва саждада дуо учун турмаслигинг лозим. Чунки Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: «Агар (имом) сажда килса, сажда килинглар, рукуъ килса рукуъ килинглар» Бухорий ривояти. Демак биз имомга эргашишга ва ундан кеч колмасликка буюрилганмиз.

Кейин саждадан «Аллоҳу акбар» деб туради.

Икки сажда ўртасида «муфтариш» холда ўтиради. Унинг кайфийяти куйидагича: чап оёкни -оёк деганда оёкнинг тўпикдан пастки кисми назарда тутилмокда- ёзиб устига ўтиради, ўнг оёкни ўнг томонида тик тутади. Ўнг кўлини ўнг сонининг устига ёки тиззасининг бош томонига кўяди. Чап кўлини чап сонининг устига кўяди ёки тиззасини тутиб туради. Бу икки сифат Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламдан ворид бўлган.

Ўнг кўлининг жимжилоги, кейинги -номсиз- бармогини, ўрта ва бош бармокларини йигади, ёки бош бармоги билан ўрта бармогини халка килади, кўрсатгич бармок ёзилганича колади, факат дуо килгандагина кимирлатади. Масалан «Роббиг-фирли» «Роббиг-фирли» деганда кўтаради (ва туширади) «варҳамни» «Варҳамни» деганда кўтаради (ва туширади). Шу кабилда хар жумлайи дуойијда кўтариб туширади.



Чап кўл эса ёзилганича туради. Менинг билишимча Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламдан ўнг кўлнинг ёзилиб туриши хакида хадис келган эмас. Балки ул зотнинг жимжилок ва кейинги бармокларини йигланлари ривоят килинган. Ибн Умарнинг - розияллоҳу анху- бу хусусда ривоят килган хадисларининг баъзи лафзларида «Агар намозда ўтиrsa» Муслим ривояти, яна бир ривоятида «Агар ташаххудда ўтиrsa» Ахмад ривояти, деб келган. Буни ташаххудга чеклаш намознинг хаммасида ом эмас эканини англатади. Чунки усулчиларнинг сўзларидан рожихи: умум зикр килинса, кейин умумнинг бир бўлаги умумга мувофик келадиган хукм билан зикр килинса, у хослашни такозо этмайди.

Мисол учун: талабаларни икром килди десанг, сўнгра фалончини икром килди десанг -холбуки фалончи хам талабалардан. Мана шу холда фалончини зикр килиш икромни унгагина хослашни такозо этмайди. Шунингдек Аллоҳ таъоло «у кечада фараишталар ва Рух тушади» деганида Рух (Жаброил)нинг зикри колган фатишталарни тушиб маъносидан чикариб юбормайди. Демак умумнинг бирликларидан баъзиси умумга мувофик келадиган хукм билан зикр килиниши хослашни такозо килмайди. Лекин бу, бирликни зикр бўлишини такозо киладиган сабаб бўлади. Бу сабаб ана шу бирликка эътибор килиш учун, ёки бошка нарса учун бўлади.

Мен шу вактга кадар икки сажда ўртасида ўтирганда ўнг кўлини ўнг сонининг устига ёзиб кўйиш хакида ворид бўлган хадисни билмайман. Бу хакда зикр килинган хадисда кўлнинг -кўрсатгич бармокдан бошка барча- бармоклари йигилган бўлиши айтилган. Бу холат имом Ахмаднинг муснадларида Воил ибн Хужрнинг ривоятларида очик айтилган. Ахли илмларнинг баъзилари бу хадиснинг иснодини яхши дейишган. Баъзилари бу хадиснинг иснодида тортишишган. Лекин биз



бу тортишувлардан бехожатмиз. Бизга шундай дейишимиз кифоя; ўнг кўл учун суннатда ворид бўлган сифат бармокларни йигиб туриш, кўлни ёзиб туриш эса ворид бўлмаган. Демак икки сажда ўртасидаги ўтиришда кўлнинг ёзилиб туришини баён киладиган суннат ворид бўлгунига кадар кўл бармоклари йигилганича колаверади. Икки сажда ўртасида ўтирганда «**رَبِّ الْفَلَقِ إِنَّمَا يَنْهَا الظُّلُمُونُ**» «Роббиг-фирлий вархамний ваҳдиний важбурний ва оофиний варзукний» дейди, Термизий ва Абу Довуд ривояти. Маъноси: Эй роббим гунохларимни кеч, менга раҳм эт, мени хидоятла, мени бехожат кил, менга оғият ато кил ва мени ризклантири. Буни имом хам, муктадий хам, ёлгиз ўкувчи хам айтади.

Агар сен айтсанг: имом кандай килиб бирлик сийгасида дуо килади, Холбуки Расулуллоҳ саллаллоҳу алайхи ва салламдан: Бир киши имом бўлса ва дуони ўзига хосласа «маъмумларга хиёнат килибди» дегани ривоят килинган?.

Бунга жавоб: бу хадис маъмум омин айтиб турадиган дуодадир. Агар имом шу дуони бирлик сийгасида ўқиса маъмумларга хиёнат килган бўлади. Масалан: Расулуллоҳ саллаллоҳу алайхи ва саллам кунут дуосини Хасан ибн Алига -розияллоҳу анхумо- бирлик сийгасида ўргатдилар. «**إِنَّمَا يَنْهَا الظُّلُمُونُ مَنْ حَدَّثَهُ رَبُّهُ**» Ахмад, Абу Довуд ва Термизий ривояти. Маъноси «Эй Аллоҳ хидоятлаган бандаларинг каторида мени хам хидоятла». Агар имом «**إِنَّمَا يَنْهَا الظُّلُمُونُ مَنْ حَدَّثَهُ رَبُّهُ**» яъни: «Эй Аллоҳ хидоятлаган бандаларинг каторида мени хам хидоятла» деса, бу хиёнат бўлади. Чунки маъмум омин дейди, имом бўлса дуони ўзига хослади маъмумларни тарк килди. Демак имом «**إِنَّمَا يَنْهَا الظُّلُمُونُ مَنْ حَدَّثَهُ رَبُّهُ**» Маъноси: «Эй Аллоҳ хидоятлаган бандаларинг каторида бизни хам хидоятла» десин ва



маъмумлар омин деб турадиган дуоларни ўзига хосламасин, чунки бу хиёнат бўлади.

Кейин иккинчи саждани хам аввалгиси каби адо этади.

Кейин икки тиззасига суюниб, такбир айтиб ўтирмасдан иккинчи ракаатга туриб кетади. Бу имом Ахмаднинг мазхабида машхур, бошка бир кавлда ўтиради кейин кўлларига суюниб турари дейилган. Бу имом Шофеъийнинг мазхабида машхур. Бу ўтириш уламоларнинг олдида «жалсатул-истироха» -дам олиш ўтириши- номи билан машхур.

Уламолар -рохимахумуллоҳ- бу ўтиришнинг машруълигига ихтилоф килишган: баъзилари деган: Агар иккинчи ёки тўртинчи ракаатга турадиган бўлсанг ўтиргин, кейин икки кўлингга хамир килувчининг сифатида -агар бу хакдаги хадис сахих бўлса, ёки бу хадисни заиф дегувчиларнинг олдида- бошка сифатда суюниб тургин. Мухими улар шу ўтиришда ихтилоф килишган. Баъзилари мутлако мустахаб деса, бошкалари мутлако мустахаб эмас дейдилар. Яна бир кисмлари эса батафсил килиб бундай дейдилар: Агар сен бу ўтиришга заифлик, кексаллик ёки шу каби сабабларга кўра муҳтоҷ бўлсанг ўтириш, кейин тур. Аммо бу ўтиришга эҳтиёжинг бўлмаса ўтирма. Бу кисм ўз фикрини куйидаги далиллар билан кувватлайди; ушбу ўтириш учун хос дуо йўқ, бу ўтиришдан туриш учун такбир хам йўқ, саждадан киёмга туриш учун бир такбир бор холос. Демак бу ўтириш зоти учун максад килинган амал эмас экан. Чунки намоздаги зоти учун максад килинган хар бир амал учун хос зикр, аввалида ва кейинида айтиладиган такбирнинг бўлиши лозим. Бунга Молик ибн ал-Хувайриснинг хадисидаги «икки кўлига суюнади» дегани хам далолат килади. Кўлга суюниш кўпинча тезда туриб кетиш имкониятидан манъ киладиган эҳтиёж ва баданинг оғирлигдан бўлади.



Шунинг учун айтамиз: Агар сен шу ўтиришга мухтоҷ бўлсанг ўзингни кийнаб саждадан киёмга бирданига турма. Аммо бу ўтиришдан бехожат бўлсанг, саждадан киёмга бирданига туриб кетмогинг авлорокдир. Бу «мугний»нинг сохиби -Муваффак исми билан танилган ибн Кудома- танлаган фикрдир. У имом Ахмаднинг катта асхобларидан. Ибн Кайим хам «зодул-маъод» номли китобида бу фикрни ихтиёр килган деб ўйлайман.

Мугнийнинг сохиби айтади: бу фикрда барча далиллар жамълангандир, -яъни бу ўтиришнинг исботи ёки нафии учун бўлган далиллар. Бу фикрнинг устунлиги -менинг олдимда- етарли даражада бўлмасада, бу масалада итлокдан кўра тафсил устунрок. Чунки бу менинг тушунчамда ўтиришга карши келмайди. Бу ўтиришнинг хукми менинг олдимда уч мартабадан иборат:

Биринчи: Бу ўтиришга эҳтиёж бўлса унинг жоизлигига шубха йўк.

Иккинчи: Мутлако жоиз, бу хукм устунликка якинрок.

Учинчи: Мутлако жоиз эмас, бу менинг олдимда заифдир. Чунки бу ўтириш хакида хадислар событдир. Бирок, бу хадислар мутлако событми, ёки эҳтиёж бўлгандами? Масаланинг мушкуллиги шу ерда. Менинг олдимда оз бўлсада устун келаётгани, бу ўтириш эҳтиёж бўлсагина жоиз.

Иккинчи ракаатни хам биринчи ракаат каби адо этади. Бирок, кириш дуоси (сано)ни ўқимайди. Таъаввузга келсак (аъзу биллахи минаш-шайтонир -режим) уламолар ўртасида бу тўгрида хилоф бор. Баъзилари хар ракаатда айтади дейди. Бошкалари эса факат биринчи ракаатда айтади дейди.



Иккинчи ракаатни ўкиб бўлгач ташаххудга ўтиради. Бу ўтириш худди икки сажда ўртасида ўтириш каби бўлади. Ташаххудни ўкийди, ташаххуд хам бир неча суратда келган. Биз ташаххудда хам кириш дуосида айтганимизни айтамиз. Яъни киши намозида гоҳо ибн Аббоснинг ташаххудини ўқиса, гоҳида эса ибн Масъуднинг ташаххудини ўқисин ваҳоказо бундан бошка Расулуллоҳ саллаллоҳу алайхи ва салламдан ворид бўлган суратларида ўқисин.

Бухорий ривояти. «Аттахийя́ ту лилла́ хи вас-солава́ ту ват-тойиба́ т, ассала́ му алайка айюхан-набийю ва рохматулло́ хи ва барока́ туху, ассала́ му алайна́ ва ала́ иба́ диллахис-солихи́йн, ашхаду анла́ ила́ ха иллалло́ ху, ва ашхаду анна Мухаммадан абдуху ва росулух» Маъноси: «Барча кутловлар, дуолар ва ширин сўзлар Аллоҳ учундир. Эй пайгамбар сенга салом бўлсин, ва сенга Аллоҳнинг раҳмати ва баракотлари бўлсин, бизларга ва Аллоҳнинг солих бандаларига салом бўлсин, Аллоҳдан ўзга хак маъбуд йўқ деб гувохлик бераман ва Мухаммад -саллалоҳу алайхи ва саллам- унинг бандаси ва элчиси деб гувохлик бераман». Уч ёки тўрт ракаатли намозда бўлса ташаххуд (яъни ташаххудул-аввал)дан кейин кўлларини такбиратул-эхромда кўтаргани каби кўтариб такбир айтиб кейинги ракаатга туради. Колган ракаатларда факат фотихани ўқийди. Абу Саъид ал-Худрий ривоят килган хадисга биноан гохида бошка оятларни кўшиб ўкиса хам бўлади.



Кейин уч ёки тўрт ракаатли намозда бўлса иккинчи ташаххудга ўтиради. Бу ташаххудда ўтириш кайфийяти биринчи ташаххуддагидан фаркли бўлади. Чунки у таваррук килиб ўтиради, таваррукнинг уч сифати бор:

Биринчи сифат: ўнг оёкни тик килади, чап оёкни болдирилган остидан чикаради ва думбасига ўтиради.

Иккинчи сифат: икки оёгини ёзади ва уларни ўнг томонидан чикаради. Чап оёк ўнг болдирилган остида бўлади.

Учинчи сифат: ўнг оёгини ёзади, чап оёгини болдирилган орасига кўяди.

Мана шу таваррукнинг уч сифати. Буни хам гохида унисини, гохида эса бунисини килиш керак.

Танбех: Бу уч ўтиришнинг хаммасида думбага ўтирилади.

Айтилган сифатда ўтирганидан кейин ташаххудни ва унга куйидагиларни кўшиб ўкийди.

Оннинг ўтиришнинг ўнг оёгини ёзади ва унга куйидагиларни кўшиб ўкийди. Айтилган сифатда ўтирганидан кейин ташаххудни ва унга куйидагиларни кўшиб ўкийди.

Бухорий ва Муслим ривояти. «Аллохумма солли ъала Мухаммадив- ва ала а'ли Мухаммад, кама' соллайта ъала Иброхима ва ъала а'ли Иброхим иннака Хамидум-Мажид. Аллохумма борик ъала



Мухаммадив- ва ъала а'ли Мухаммад, кама' боракта ъала Иброхима ва ъала а'ли Иброхим иннака Хамидум-Мажид». Маъноси: «Эй Аллоҳ Иброхимга ва Иброхимнинг ахлига салот йўллаганинг каби Мухаммадга ва Мухаммаднинг ахлига салот йўллагин, албатта сен макталган улуг зотсан Эй Аллоҳ Иброхимга ва Иброхимнинг ахлига баракот берганинг каби Мухаммадга ва Мухаммаднинг ахлига баракот бер, албатта сен макталган улуг зотсан».

Салавотдан кейин бу дуони ўқийди:

«Аъзуз биллахи мин аза'би жаханнам ва мин аза' бил-кабри ва мин фитнатил-махё' вал-мама'т ва мин фитнатил-масийхид-дажжа'л» Муслим ривояти. Маъноси: «Жаханнам азобиадн, кабр азобиадн, хаёт ва мамот фитнасидан хамда масийхид-дажжол фитнасидан Аллоҳга илтижо киламан». Кейин дунё ва охират яхшиликларидан истаган нарсасини дуо килиб сўрайди.

Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам охирги каъдада ушбу тўрт нарсадан Аллоҳ билан панохланишга буюрганлар. Бу хадис имом Муслимнинг сахихида событ бўлган. Уламоларнинг баъзиси деди: каъдайи охирда бу тўрт нарсадан паноҳ сўраш вожибdir. Чунки Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бунга буюрган. Бугунги кунда кўп кишилар бунга ахаммият килмайдилар. Уларнинг пайгамбар саллаллоҳу алайҳи ва салламга салавот айтишлари билан ул зотнинг ўзи бу тўрт нарсадан Аллоҳдан паноҳ сўрашга буюрганига карамасдан намоздан салом бераётганларини топасан. Товус - роҳимахуллоҳ- (у тобеъинлардандир) бу тўрт нарсадан Аллоҳдан паноҳ сўрамаган кишини намозини кайта ўкишга буюрас эди. У бу буйрукни



ўз ўглига хам килган. Сен шу тўрт нарсадан паноҳ сўрашинг лозимдир. Чунки бу нарсалардан паноҳ топишда дунё ва охират саодати бор. Кейин ўнг томонингга

«Ассала́ му алайкум ва рохматуллоҳ» ва чап томонингга хам

«Ассала́ му алайкум ва рохматуллоҳ» деб салом берасан. Шу билан намоз тугайди.

Агар намоз ўкувчи Аллоҳга дуо килмокчи бўлса, дуосини ташаххуддан кейин саломдан олдин килса яхши бўлади. Дуосида дунё ва охират яхшиликларидан хохлаганини сўрайди. Илм ахлларидан баъзиси деди: Дунёга таъаллукли нарсаларни сўраб бўлмайди. Уларнинг бу сўзлари заифдир. Чунки у Расулуллоҳ саллаллоҳу алайхи ва салламинг «**Сўнгра хохлаган дуосини килсин**» Бухорий ва Муслим ривояти. Деган умумий маънодаги сўзига хилофдир. Агар сен дуо килмокчи бўлсанг салом беришингдан аввал кил. Биз юкоридаги хадисдан бугунги кунда одамларнинг кўпчилиги одатланиб олган намоздан кейин ўтириб олиб -суннати муаккададек ушлаб олишган- дуо килишлари далилсиз амал эканини билиб олдик. Суннатга мувофик дуо килиш саломдан олдиндир.

Мана шу биз Расулуллоҳ саллаллоҳу алайхи ва салламинг суннатидан билган намознинг сифтидир. Хар бир мусулмон Расулуллоҳ саллаллоҳу алайхи ва салламинг ушбу **«Менинг намоз ўқиганимни кўрганинглардек намоз ўкинглар»** -Бухорий ва Муслим ривояти- деган сўзини ўзида гавдалантиришга ва шу рисолада баён килинган намознинг сифатини татбик килишга харис бўлмоги керак.



Менимча киши учун намозини суннатга мувофик килиб олганидан кейинги энг мухим нарса калбнинг хозирлигидир. Чунки, хозирги замонда турли хаёллар ва васvasалар намозга кириши билан унга хукмрон бўлади. Намозини тугатиши билан бу хаёллар ва васvasалар учиб кетади.

Аллоҳ билувчирокдир, ва саллаллоҳу ъала Мухаммадив-ва ъала а'лихи ва сохбихи ажмаъийн.

Бу хадисда «намозда» деб умумий зикр килган.

Бу хадисда «ташаххудда» деб хос зикр килган.

Улар билан тасанно айтиш факат Аллоҳга лойик бўлган сўзлар ва мактовлар. Уламоларнинг баъзиси деди: «аттахийайа'ту» тил билан килинадиган ибодатлар, «ассолава'т» бадан ибодатлари, «аттойиба'т» моддий садакотлар. (сунани Аби Довудга шарх килиб ёзилган «авнул-маъбуд» китобидан).

Маъноси Аллоҳ билан химоялантириш, (химоясини Аллоҳга топшириш) «ас-салом» Аллоҳнинг исмларидан бири, «ассаламу алайка» нинг маъноси: Аллоҳ сенинг хомийинг ва сакловчинг бўлсин дегани.

Аллоҳнинг пайгамбарига салавоти: унга бўлган саноси ва улуглашидир. Бу Аллоҳнинг салоти хаккida айтилган маъноларнинг энг яхшисидир.

Ибн Дақик ал-Ийд деди: «Хаёт фитнаси инсонга хаёти давомида дуч келадиган дунёга, шахватларга ва нодонликларга мубтало бўлишидир.



Буларнинг энг каттаси эса Аллоҳ сакласин ёмон окибат билан вафот килиш. Мамот фитнасидан ўлим олдидаги фитна мурод бўлиши мумкин, унинг мамотга изофа килиниши фитнанинг мамотга якин бўлганлиги учундир. Агар шундай дейилса хаёт фитнасидан мурод бундан аввалгилари бўлади. Мамот фитнасидан мурод кабр фитнаси бўлиши хам мумкин. Чунки уларнинг кабрларида фитналанишлари сахих хадисларда келган.

Ташаххуддан мурод ташаххуд ва салавотдир.

Сўз кўлни кандай тутиш хакида бормокда.